

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 15 (1090), 2017 йил 13 апрель

2017 йил – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОКОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Халқ манфаатлари йўлидаги банк хизматлари

Бугунги кунда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ўзининг 38 филиали ҳамда 154 мини-банкида замонавий ва тезкор хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, ҳудудлар ободлиги ва барқарорлигини таъминлаш, аҳоли турмуш тарзининг моддий-маънавий ҳолатини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, муассасанинг жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот ҳажми ҳамда сифа-

тини ошириш, тармоқлараро соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдаги роли тобора кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, мазкур банк томонидан кичик бизнес ва ҳу-

сусий тадбиркорлик субъектларига жами 188,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб (жумладан, 41,7 млрд. сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди), бунинг ҳисобига соҳадаги юқори технологияли ва инновацион лойиҳалар ишга туширилди, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар фаолияти йўлга қўйилди, деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати оширилди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон ва Россия банкларининг ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳалари

Шу йилнинг 4-5 апрель кунлари мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга амалда оширган давлат ташрифи мобайнида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича қарийб 16 млрд. АҚШ доллари атрофидаги йирик ҳужжатлар пакети имзоланди.

Ҳар икки давлат раҳбари қисқа фурсат ичида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва савдо айланмаси ҳажмини сезиларли даражада оширишга келишиб олдилар. Шунингдек, улар истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режаларини муҳокама қилдилар. Шундан урта инвестиция битими бевосита мамлакатимиз банкларига тегишлидир.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ВА ВНЕШЭКОНОМБАНК

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (ТИФ МБ) ва Россия Ташқи иқтисодий фаолият ва тараққиёт банки (Внешэкономбанк) давлат корпорацияси ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладилар.

(Давоми 4-бетда).

Халқ банки: талабалар ўқув жараёни инновацион ёндашув асосида

Тошкент молия институтида Акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Фидо Бизнес» IT-компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Инновацион-ўқув лаборатория мажмуи»нинг тақдирот маросимига бағишланган тадбир ўтказилди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур «Инновацион-ўқув лаборатория мажмуи» ташкил қилинди.

(Давоми 5-бетда).

Банк-молия тизимида янги стандартни жорий этиш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида «Baker Tilly International» халқаро аудиторлик ва консалтинг компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси («Baker Tilly Tashkent») билан ҳамкорликда янги халқаро «IFRS 9» стандартини амалиётга жорий этиш, замонавий IT-аудит ва ахборот хавфсизлигининг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар Ассоциацияси масъул ходимлари, «Baker Tilly International» компаниялар гуруҳи вакиллари, молия-кредит ташкилотларининг етакчи мутахассислари, тижорат банклари, хорижий молия институтлари ваколатхоналари ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, илмий ходим-изланувчилар ва магистрантлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори в. б. Адҳам Бекмуродов, «Baker Tilly International» компаниялар гуруҳининг Россиядаги мувофиқлаштирув кенгаши аъзоси Александр Иванов, «Baker

Tilly Uzbekistan» компанияси бошқаруви раиси Олег Даминовлар халқаро «IFRS 9» стандарти ва уни мамлакатимиз банк-молия тизимида қўллашнинг аҳамияти хусусида тўхталар экан, бу айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони асосида қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

(Давоми 5-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2730,39	1 Канада доллари	2720,78	1 Норвегия кронаси	421,29	1 евро	3894,88
1 Англия фунт стерлинги	4520,72	1 Хитой юани	528,63	1 Польша злотийси	914,79	10 Жанубий Корея вони	31,97
1 Дания кронаси	519,62	1 Қувайт динори	11974,36	1 Сингапур доллари	2593,96	10 Япония иенаси	327,71
1 БАА дирҳами	993,97	1 Россия рубли	64,14	1 СДР	4948,55	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	3650,74	1 Украина гривнаси	135,34	1 Туркия лираси	979,36		
1 Миср фунти	202,82	100 Ливан фунти	242,46	1 Швеция кронаси	401,83		
1 Исландия кронаси	32,49	1 Малайзия рингити	822,61	1 Швейцария франки	3616,75		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи:

1 USD ▲ 3650,74 – (3623,07) | 1 EUR ▼ 3894,88 – (3914,42) | 1 GBP ▼ 4520,72 – (4544,06) | 10 JPY ▲ 327,71 – (325,41)

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ



Акциядорлик-тижорат
«АЛОҚАБАНК»

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 4 августдаги 48-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

№	Моддалар	2016 йил	2015 йил
Активлар			
010	Нақд пуллар	226 013 897	76 758 619
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎзР МБ) дан олиши лозим бўлган	135 698 828	99 905 359
030	Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган	17 943 790	4 452 750
060	Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар	3 258 863	3 766 531
061	— сундирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар	3 068 055	3 067 315
	— шўба корхоналарга	10 914 161	8 743 453
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:	1 094 437 843	924 735 124
081	Минус: кўрипиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	(8 203 027)	(8 051 393)
082	Соф кредитлар ва бўнақлар	1 086 234 816	916 683 731
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	63 760 680	59 559 239
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	1 391 709	1 556 298
140	Бошқа хусусий мулк	-	-
150	Солиқ талаблари	5 269 162	3 657 240
160	Бошқа активлар	6 989 349	11 826 551
170	ЖАМИ: АКТИВЛАР	1 560 543 310	1 188 420 788

УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ,
2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

№	Моддалар	2016 йил	2015 йил
Фоишли даромад			
011	Кредитлар бўйича фоишли даромадлар	145 300 391	115 176 192
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоишли даромадлар	1 097 460	649 954
016	Сундирилгунча сақлаб туриладиган инвестицияларнинг фоишли даромади	-	897 657
019	Бошқа фоишли даромадлар	1 520 719	63 803
020	Жами: фоишли даромадлар	147 918 570	116 787 606
Фоишли харажатлар			
031	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоишли харажатлар	(4 018 468)	(1 336 330)
032	Жамгарма депозитлар бўйича фоишли харажатлар	(11 506 191)	(4 776 043)
033	Муддатли депозитлар бўйича фоишли харажатлар	(27 663 253)	(26 439 506)
037	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича фоишли харажатлар	(23 668 279)	(19 837 201)
038	Бошқа қарз маблағлари бўйича фоишли харажатлар	(250 843)	(131 866)
039	Чиқарилган қарз қимматли қозғолар бўйича фоишли харажатлар	(679 069)	(977 178)
60	Жами: фоишли харажатлар	(67 786 103)	(53 498 124)
70	Соф фоишли даромад	80 132 467	63 289 482
070	Кредитлар бўйича эҳтимолӣ зарарлар захирасини баҳолаш	2 811 272	250 431
80	Захирана баҳолаш чиқарилгандан сўнг қоладиган соф фоишли даромад	82 943 739	63 539 913
Фоишсиз даромадлар			
091	Хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар	48 080 352	39 777 167
092	(Хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар)	(8 815 297)	(5 992 301)
093	Савдо операцияларидан олинган фойда (зарар)	1 753 869	3 565 085
094	Валюта операцияларидан олинган фойда (зарар)	4 227 369	1 572 624
095	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	-	27 593
096	Инвестициялардан олинган фойда (зарар)	2 162 523	1 908 687
099	Бошқа операция даромадлар	3 275 666	1 581 267
100	Жами: фоишсиз даромадлар	50 684 482	42 440 122
Операцион харажатлар			
111	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	(48 298 940)	(39 325 288)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(508 334)	(1 830 421)
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	(330 225)	(243 301)
114	Маъмурий харажатлар	(18 970 236)	(14 474 028)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(5 969 858)	(5 006 428)
117	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	(12 068 908)	(11 043 321)
118	Эҳтимолӣ зарарлар захирасини баҳолаш	(4 590 331)	-
119	Бошқа операцион харажатлар	(1 679 463)	(240 901)
120	Жами: операцион харажатлар	(92 416 295)	(72 163 688)
130	Даромад (фойда) солиғи тўлангунча қадар соф фойда (зарар)	41 211 926	33 816 347
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(8 438 954)	(6 776 949)
150	Соф фойда	32 772 972	27 039 398
160	Акцияга тўғри келадиган базавий фойда	48	88
160.1	Оддий акцияларга тўғри келадиган базавий фойда	33	28
170	Акцияга ажратилган фойда	-	-

№	Моддалар	2016 йил	2015 йил
Мажбуриятлар			
Депозитлар			
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган	595 874 204	306 990 396
182	Жамгарма	193 757 280	110 705 282
183	Муддатли	299 385 720	301 129 895
190	Жами: депозитлар	1 089 017 204	718 825 573
200	Марказий банка тўланиши лозим бўлган		
220	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган	237 738 987	268 696 997
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	25 359 870	5 323 089
260	Бошқа мажбуриятлар	8 468 217	11 561 999
270	Чиқарилган қарз қимматли қозғолар	3 000 000	9 204 164
	Даромад солиғи бўйича жорий мажбуриятлар	-	966 112
280	Жами: мажбуриятлар	1 363 584 278	1 014 577 934
Хусусий капитал			
300	Оддий акциялар	121 124 912	110 565 932
310	Имтиёзли акциялар	2 252 886	2 135 237
330	Жами: акциядорлик капитали	123 377 798	112 701 169
350	Тақсимланмаган фойда	73 581 234	61 141 685
360	Жами: хусусий капитал	196 959 032	173 842 854
370	ЖАМИ: мажбуриятлар ва хусусий капитал	1 560 543 310	1 188 420 788

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ,
2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

№	Моддалар	2016 йил	2015 йил
Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари			
020	Олинган фоишлар	150 990 142	126 424 181
030	Тўланган фоишлар	(67 582 360)	(54 016 622)
040	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари	49 027 001	38 542 652
050	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари	(8 826 461)	(6 070 439)
070	Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар бўйича соф фойда (зарар)	1 753 869	465 085
100	Бошқа операцион даромадлар	2 155 972	1 585 467
110	Маҳсулот етказиб берувчилар ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(85 250 658)	(64 837 582)
120	Тўланган даромад (фойда) солиғи	(11 016 988)	(7 170 034)
140	Операцион активлар ва мажбуриятларда ўзгаришлар бўлгунча операцион фаолиятдан келган пул оқимлари	31 250 517	34 902 708
150	Операцион активларнинг соф (кўпайиши) камайиши	(220 439 259)	(232 548 564)
151	ЎзР МБнинг мажбурий захираси бўйича соф (кўпайиши) камайиши	(49 107 249)	(14 789 303)
154	Банкларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	-	-
155	Мижозларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	(169 739 179)	(217 622 887)
156	Бошқа активлардаги соф (кўпайиш) камайиш	(1 592 831)	(136 374)
160	Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) камайиши:	340 344 792	156 372 441
161	Депозитларнинг соф (кўпайиши) камайиши	371 139 266	140 206 330
163	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф (кўпайиши) камайиши	(30 949 783)	11 572 516
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф (кўпайиш) камайиш	155 309	4 593 595
200	Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари	151 156 050	(41 273 415)
200	Қимматли қозғоларни сотиб олиш, операцион фаолият сифатида таснифланмаганларидан ташқари	(34 864)	(17 183)
210	Қимматли қозғоларни сотиш, операцион фаолият сифатида таснифланмаганларидан ташқари	-	-
	Қимматли қозғолар бўйича олинган дивидендлар	57 331	27 593
220	Шўба, тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни сотиб олиш, олинган пул маблағлари чегириб ташланганда	(675 193)	-
230	Шўба, тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни чиқариб юбориш, чиқариб юборилган пул маблағлари чегириб ташланганда	-	2 000 000
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(9 823 790)	(10 509 124)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	1 244 429	74 938
	Қарамоғдаги компаниялардан тушган даромад	667 011	469 328
270	Инвестицион фаолиятдан келган соф пул маблағлари	(8 565 076)	(7 954 448)
Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари			
290	Қарз воситалари ва қарз қимматли қозғолардан тушумлар	20 036 959	-
300	Қарз маблағлар ва қарз қимматли қозғолар бўйича тўловлар	-	(5 628 484)
320	Акциялар чиқариш	-	8 260 511
360	Пулли дивидендларни тўлаш	(9 656 794)	(1 584 000)
	Қарз қимматли қозғоларнинг эмиссияси бўйича тушган тушум	(6 000 000)	(3 000 000)
380	Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари	4 380 165	(1 951 973)
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	2 284 139	441 397
410	Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)	149 255 278	(50 738 439)
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	76 758 619	127 497 058
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	226 013 897	76 758 619

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

3



Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»

КАПИТАЛДАГИ ҮЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

№	Моддалар	Устав капитали	Эмиссион даромад	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами: акциядорлик капитали	Захиралар	(Тўпланган тақчиллик) Тақсимлан- маган фойда	Жами: хусусий капитал
010	Ундан аввалги йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ – қайта ҳисоб-китобдан аввал	90 636 634	3 334 970	-	93 971 604	-	25 840 091	119 811 695
020	Ҳисоб-китобдаги ўзгаришлар самараси, солиқ чегириб ташланганда:	-	-	-	-	-	-	-
030	– қайта ҳисоб-китобдан сўнг	-	-	-	-	-	-	-
080	Тан олинган соф фойда/(зарар)	-	-	-	-	-	20 322 001	20 322 001
090	2015 йилдан аввалги йилнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	- 9 000 000	- 9 000 000
100	2015 йилдан аввалги йилнинг имтиёзга эга акциялари бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	- 1 475 805	- 1 475 805
130	Чиқарилган акциялар	10 385 901	83 153	-	-	-	-	-
140	Жами: 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	101 022 535	3 418 123	-	104 440 658	-	35 686 287	140 126 945
150	Ҳисобот даврида юзага келган:							
151	Инвестициялар, сотиш учун мавжуд бўлганлари	-	-	-	-	-	-	-
	Адолатли қиймат бўйича соф фойда (зарар), солиқ чегириб ташланганда	-	-	-	-	-	-	-
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захиралар	-	-	-	-	-	-	-
160	Ўтказилган маблағлар:							
161	Инвестициялар, сотиш учун мавжуд бўлганлари	-	-	-	-	-	-	-
	Соф фойда тарзида ўтказилган маблағлар, солиқ чегириб ташланганда	-	-	-	-	-	-	-
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захиралардан ўтказиш	-	-	-	-	-	-	-
170	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қайд этилмаган соф фойда/(зарар)	-	-	-	-	-	-	-
180	Соф фойда	-	-	-	-	-	-	-
190	Тан олинган соф фойда/(зарар)	-	-	-	-	-	27 039 398	27 039 398
200	2015 йилнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	-	-
210	2015 йилнинг имтиёзга эга акциялари бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	- 1 584 000	- 1 584 000
240	Чиқарилган акциялар	7 766 291	494 220	-	-	-	-	8 260 511
250	2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	108 788 826	3 912 343	-	112 701 169	-	61 141 685	173 842 854
010	Ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ – қайта ҳисоб-китобдан аввал	-	-	-	-	-	-	-
020	Ҳисоб-китобдаги ўзгаришлар самараси, солиқ чегириб ташланганда:	-	-	-	-	-	-	-
030	– қайта ҳисоб-китобдан сўнг	-	-	-	-	-	-	-
080	Тан олинган соф фойда/(зарар)	-	-	-	-	-	32 772 972	32 772 972
090	2015 йилдан аввалги йилнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар	10 676 629	-	-	-	-	- 19 461 884	- 19 461 884
100	2015 йилдан аввалги йилнинг имтиёзга эга акциялари бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	- 871 539	- 871 539
130	Чиқарилган акциялар	-	-	-	-	-	-	-
140	Жами: 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	119 465 455	3 912 343	-	123 377 798	-	73 581 234	196 959 032

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Делойт ва Туш» МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ 00500-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган, унинг барча муҳим ҳижатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.



«Туронбанк»: замонавий бизнес ва ахборот технологияларининг уйғунлиги

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан «Замонавий бизнес ва ахборот технологиялари, ушбу соҳалар ривожланишида уларнинг ўзаро таъсири» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Семинарда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир қабул қилинган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар тижорат банклари томонидан ахборот-коммуникация технологиялари асосида мижозларга янги турдаги сифатли хизматлар кўрсатилишини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги қайд этилди.

Тадбирда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари корхона ва ташкилотларда ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, иш тизимини ташкил қилишнинг самарадорлиги, банк хизматлари замонавий ахборот технологиялари асосида кўрсатилишининг аҳамияти каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларнинг билдирдилар.

Шунингдек, «Туронбанк» АТБ Бошқаруви томонидан замонавий ахборот технологиялари асосида «Турон мобайл банкнинг», «Биометрик идентификация», «Интернет-банкнинг» каби банк хизматларининг жорий этилаётганлиги банк ми-

жозларига қулайликлар туғдириши тўғрисида тўхталиб ўтилди.


«Туронбанк» АТБ мутахассислари ишлаб чиққан «Турон мобайл банкнинг» хизмати қисқа муддатда банк мижозларининг эътирофига сазов бўлиб, бу хизматдан фойдаланишда молиявий операциялар нархининг арзонлиги ҳамда тезлигининг юқорилиги, мижозларнинг вақтини иқтисод қилиши ёки вақтдан самарали фойдаланиши, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳамда миллий ва халқаро ҳисоб-китоблар аниқ вақт режимида амалга оширилиши ушбу хизматнинг муҳим афзалликларидан саналади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, интернет орқали бу каби молиявий операцияларни бажариш харажатлари қарийб 3 баравардан 10 бараваргача камайтириш ва иқтисодиётда маблағ айланмасини тезлаштиришга олиб келади.

Айтиш жоизки, «Туронбанк» биринчилардан бўлиб омонат операцияларини амалга оширишда мижозларни бармоқ изи орқали биометрик идентификациялаш тизими жорий этга-

«Turon-Mobile-Banking»

Юридик шахслар учун масофадан хизмат кўрсатиш тизими



ни банк омонатчиларига уларнинг омонатлари бўйича операцияларни ўзларининг иштирокисиз амалга оширилмаслигини тўлиқ кафолатлаш имконини бермоқда.

Айни пайтда банк жисмоний шахсларнинг мобил телефонлари учун мўлжалланган «Turon Mobile» дастурини ҳам ишга туширган бўлиб, юқорида айтиб ўтилган хизматларнинг барчаси эндиликда янада мукамаллаштирилган ҳолда, ундаги мавжуд функциялар анчагина соддалаштирилган. Бу эса «Туронбанк» АТБ мижозларига муассасага келмасдан барча банк хизматларидан тезкорлик

билан фойдаланиш имкониятини яратётганлигидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, «Туронбанк» АТБда ташкил этилаётган семинарлар банк ходимларини ахборот технологиялари соҳасида юз бераётган ўзгаришлар билан таништириш, уларнинг билимини ошириш ва янги замонавий банк хизматларини жорий қилиш учун янада кенг имкониятлар яратишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.


Бекзод АКРОМОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон ва Россия банкларининг ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хужжатни ТИФ Миллий банки бошқаруви раиси Сухроб Холмуродов ва Внешэкономбанк раиси Сергей Горьков имзолади.



Молия институтлари истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш, шу жумладан, инфратузилма ва саноат объектларини барпо этиш, юқори технология ва экспортни қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги лойиҳаларни баҳолашга келишиб олдилар. Банклар бу каби лойиҳаларни молиялаштириш учун 500 млн. АҚШ долларигача ёки унинг бошқа валютадаги эквивалентда тақдим этиш имкониятларини қўриб чиқадилар. Маблағларни тақдим этиш муддатлари ҳар бир лойиҳа бўйича аниқланади ва улар 15 йилдан кўнра чўзилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, савдони молиялаш ва улар бўйича тузилган битимларни миллий валюталарда амалга оширишни биргаликда ўрганиш; молия бозорларида ҳамкорлик қилиш; банк технологиялари ва хизматлари соҳасида илгор тажрибаларни кенг ёйиш кўзда тутилмоқда.

ТИФ Миллий банки ва Внешэкономбанк ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш учун синдицияли кредитлаш орқали молиявий қарзлар жалб этиш, шунингдек, таваккалчиликларни хежлаштириш мақсадида молиявий воситалар ёрдамида битимлар тузиш, ҳамкорликда амалга оширилаётган кредит лойиҳаларини техник, молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказишга қўмаклашиш ва кредит бўйича маслаҳатлар бериб боришни ўзаро келишиб олдилар.

ТИФ Миллий банки ва Внешэкономбанк 2005 йилдан буён икки томонлама ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги Банклараро бирлашма кенгаши линиясида ҳамкорлик қилиб келади.

Маълумки, ТИФ Миллий банки активлари ҳажми бўйича мамлакатимизнинг энг йirik банки бўлиб, лойиҳавий молиялаштириш, универсал тижорат, инвестиция ва жамғарма банкидир. Банк халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишида ҳукумат сифатини амалга оширади, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ёрдам беради. Молия муассасаси ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатар экан, товар ва хизматлар экспорти ва импорти таркибини яхшилаш, валюта маблағларини жамғариш ва валюта манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам иштирок этиб келади.

Ўзбекистон корхоналарининг ташқи иқтисодий операцияларини халқаро

стандартлар даражасида бажариш, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилишга қодир молиявий институтни ташкил этиш банк олдида турган асосий вазифалардан биридир.

ТИФ Миллий банкининг Москвада «Азия Инвест Банк» шўба банки фаолият кўрсатади.

«АСАКА» БАНК, ГАЗПРОМБАНК ВА РОССИЯ ЭКСПОРТ МАРКАЗИ

Ташриф давомида республикамизнинг яна бир йirik банки – «Асака» банк нефть-газ ва кимё, тоғ-кон ва металлургия саноати соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш бўйича Газпромбанк ва Россия экспорт маркази (РЭМ) ўртасида рамкали битим имзоланди.



Битимни Бош вазир ўринбосари Фуломжон Ибрагимов, Газпромбанк бошқаруви раиси Андрей Акимов ва РЭМ директори Михаил Фрадков имзолади.

Уч йилга мўлжаллаб тузилган битимдан кутилган асосий мақсад ҳар икки мамлакат компанияларининг технологик ва бозор маъқеини янада ривожлантириш ва кучайтиришга қўмаклашиш, уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш учун узок муддатли рағбатлантириш тизимини яратиш, шунингдек, нефть-газ, тоғ-кон ва металлургия соҳаларини ривожлантириш масаларида яқдил маъқени шакллантиришдан иборат.

Хужжатда мамлакатимизда бир қанча ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан базасида синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси Газпромбанк томонидан молиялаштирилади. Бунга Газпромбанк гуруҳидаги «Криогенмаш» АЖ ишлаб чиқариш компаниясининг ҳаво ажратувчи комплекси қурилмаси экспортини молиялаштириш ҳам киритилди.

Битимда Газпромбанк томонидан Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш қуввати йилига 500 минг тоннани ташкил этадиган металлургия заводи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш режалаштирилган. Бунинг учун 280 млн. евро ажратилди. Завод қурилиши жорий йилда бошланиб, 2019 йилда фойдаланишга топширилади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш амалда республикамизнинг металл маҳсулотларига бўлган импорт талабини кескин қисқартиради. Бундан ташқари, битим доирасида 2017-2021 йилларда тоғ-кон саноати эҳтиёжи учун умумий қиймати камида

155 млн. долларга тенг 44 та зарур экскаватор олиб келинади.

Битимда кўзда тутилган лойиҳаларни молиялаштириш РЭМ гуруҳига кирувчи компаниялар томонидан сугурта қилинади.

«Асака» банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири халқаро молия институтлари билан муносабатларни кенгайтиришдир. Банк хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатар экан, асосий эътиборини инвестиция лойиҳаларини ўрта ва узок муддатли кредитлаш, савдо операцияларини қисқа муддатли молиялаштириш, банк фаолиятига дахлдор масалаларда ахборот ва тажриба алмашишга қаратмоқда.

«ОРИЕНТ ФИНАНС» БАНК ВА ГАЗПРОМБАНК

«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик-тижорат банки Газпромбанк билан мамлакатимиз озиқ-овқат саноатидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш бўйича рамкали ҳамкорлик битимини тузди.

Ушбу битимни «Ориент Финанс» бошқаруви раиси Бобур Парпиев ва Газпромбанк бошқаруви раиси ўринбосари Алексей Матвеев имзолади.

2019 йил 1 мартга қадар амал қиладиган ушбу битимда республикамиз ҳудудида озиқ-овқат саноатига тегишли умумий қиймати 25 млн. АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятлари кўзда тутилган.



Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, унинг улуши ялли ички маҳсулот ҳажмида сезиларли ўринга эга. Сўнгги йилларда пахта экинлари қисқартирилиб, мева ва сабзавот экинлари майдони кенгайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари катта қўшилган қийматга эга бўлиб, сотиш учун Россия ва Қозғистонда барқарор бозорлар мавжуд.

«Ориент Финанс» банк универсал ва барқарор молия муассасаси сифатида банк хизматлари бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Банк ўз олдида қўйган мақсадга эришиш учун амалга ошираётган операциялари даромадгирлигини максималлаштириш, шунингдек, мижозлари (корпоратив, хусусий ва кичик бизнес корхоналари) учун тақдим этаётган хизматлари комплексини кенгайтириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.

Халқ манфаатлари йўлидаги банк хизматлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хисобот даврида «Ипотека-банк» хотин-қизларнинг ўз даромад манбаи бўлишига қўмаклашиб, 22,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар йўналтирди. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун эса, 5,1 млрд. сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, банк сервис ва хизмат кўрсатиш йўналишига 46,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағларини ажратди.

Мамлакатимизда ҳар бир оиланинг имконияти билан яқиндан танишиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, бундай хонадон эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликнинг у ёки бу тури бўйича бизнес юртишига қўмаклашишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада «Ипотека-банк» 2,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Ипотека-банк» ходимлари хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун мавжуд имконият ва шарт-шароитларини атрофлича ўрганишарди. Шу аснода махсус сўровлар ҳам ўтказилиб, фуқароларнинг соҳага бўлган қизиқишини кучайтириш, юз бераётган ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш мақсадида махсус буклет шаклидаги намунавий бизнес лойиҳалари тарқатилмоқда. Натижада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдираётган оилалар сони тобора ортаёпти. Уларнинг бизнес лойиҳалари банк филиаллари томонидан қисқа муддатларда ўрганилиб, тегишли хужжатларни расмийлаштиришда яқиндан ёрдам берилмоқда.

Банк томонидан қўрилган чора-тадбирлар самарасида 373 та маҳаллада истиқомат қилувчи қарийб 30 мингга яқин юртдошларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги борлиги аниқланиб, уларга ўтган 2 ой давомида имтиёзли шартлар асосида 3 йил муддатга 69 млрд. сўмдан зиёд сармоялар ажратилди.

«Ипотека-банк» кредит маблағларидан фойдаланиб, юқори марраларга эришаётган тадбиркорлик субъектларидан бири сифатида ҳеч иккиланмай бизнинг корхонамизни ҳам мисол қилиб келтиришим мумкин, – дейди Бухоро вилоятидаги «Камалак шабнам текс» МЧЖ раҳбари Дилшод Бобонозов. – Корхонамиз ташкил топганидан буён ушбу банкнинг вилоят филиали билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Тўқимачилик соҳасига иштироклашган корхонамизда айни пайтда 50 дан ортиқ ишчи ва мутахассислар меҳнат қилмоқда. «Ипотека-банк»нинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши туфайли фаолиятимиз йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2016 йилда 6 млрд. сўмдан ортиқ қийматдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда маҳсулотларимизнинг асосий қисми Польша, Озарбайжон ҳамда Россия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Наргиз АХМЕДОВА.

Банк-молия тизимида янги стандартни жорий этиш масалалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида юртимизда олиб борилаётган банк-молия тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, молиявий ҳисоботнинг янги халқаро стандартларини жорий этиш жараёнини жадаллаштириш, замонавий молиявий инструментлар ва банкларда ахборот технологияларининг хавфсизлигига оид халқаро тажриба амалиётини чуқур ўрганиш, пировардида иқтисодий янада ривожлантириш ҳамда либераллаштириш масалалари муҳокама этилди.

– «IFRS 9» дунё бўйича қабул қилинган тўртта халқаро стандартдаги молиявий ҳисоботнинг энг сўнгиси ҳисобланади, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджети касса ижроси департаменти директори ўринбосари Мавлон Марпатов.** – Унинг ишлаб чиқилишига 2008 йилдан бошлаб жаҳон молия бозорига кузатишган инқироз сабаблари туртки бўлди. «IFRS 9» стандарти мазкур жараёнларда аниқланган молиявий ҳисоботлардаги камчиликларни бартараф этиш, бундан кейин юзага келишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у республикамиз банк тизими, қолаверса, йирик корпоратив ташкилотларда 2018 йилдан бошлаб амал қилиши белгилаб олинди. Унинг асосий моҳияти – бу молиявий инструментларни биринчи тан олинган жойдаёқ унга захира ралар яратишдан иборат. Агар олдинги стандартда фақатгина молиявий инструментлар қадридан қилинган захира ралар барпо этилган бўлса, «IFRS 9» стандартида қабул қилинган, тан олинган

ва кейинги баҳолаш жойида ҳам захира ралар яратиш имкони мавжуд. Бу бизга нима беради? Бу келажакда молиявий инструментлар йўқолиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олади. Натижада банк-молия муассасалари молиявий ҳисоботларининг шаффофлиги ортиб, уларни инвесторларга тақдим этишда ишончлилигини оширади.

Давра суҳбатида ҳозирги

ланишлар олиб бораётган Ўзбекистон банк тизимида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш устувор вазифалардан бири сифатида кенг муҳокама этилди. Соҳада турли хавф-хатарларнинг олдини олиш, банк соҳасидаги ахборот хавфсизлигининг самарали усулларида фойдаланиш бўйича ўзаро тажриба алмашилди.



кунда жаҳон амалиётида банклар тўлов тизимлари-га нисбатан кибер-ҳужумларнинг сони ортиб бораётгани, шу муносабат билан IT-аудитни амалга ошириш ҳамда рисклар хусусиятини тўғри аниқлаш бугунги кун талабига айланаётгани таъкидланди.

– Ишончли ва хавфсиз IT-тизимлардан фойдаланиш банк ва компаниялар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда кўшимча равишда ишончлилик, шаффофлик ва мuddатлилиққа қафолат беради, – дейди **Александр Иванов.** – Шунингдек, замонавий IT-аудит банк-молия муассасаларида молиявий аудит жараёнида ўз маблағларини иқтисод қилиш имконини беради. Тадбирда банкларнинг инвестициявий ва молиявий барқарорлигини сақлаш йўлида изчил из-

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон банк тизимида олиб борилган ислохотлар ва тизимни либераллаштиришга оид фикрларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Айтиш жоиз, ушбу ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳам салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Ҳар йили мазкур олий ўқув юрти томонидан мамлакат банк-молия тизими-га юқори салоҳиятли раҳбар кадрлар етказиб берилди, амалиётдаги юзлаб ходимлар малакаси оширилди.

Давра суҳбати иши икки босқичда олиб борилди. Унинг секцияли йиғилишларида тадбир мавзусига доир 7 та маъруза ўқилиб, улар юзасидан муҳокамалар ўтказилди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Халқ банки: талабалар ўқув жараёни инновацион ёндашув асосида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг натижасида Тошкент молия институтининг Кредит-иқтисод факультетида банк-молия соҳасининг етакчи ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув жараёнида амалий билим ва касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Жумладан, бу ерда тижорат банкларининг операция тизими ИАБС дастурий таъминоти, электрон тўловлар ва интерактив банк хизматлари тизимлари йўлга қўйилган.

Тадбирда қайд этилганидек, мазкур лаборатория талабаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион ишланмаларни яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент молия институтида бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлашда бошқа тижорат банклари қатори Халқ банки билан олиб борилаётган ўзаро амалий ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу институтнинг бакалавр ва магистратура босқичини тамомлаётган битирувчиларни банк йўлланмаси асосида ишга йўллаш юзасидан амалга оширилган ҳамкорлик натижасида 2016 йил давомида Халқ банки тизимида Тошкент молия институтининг 116 нафар битирувчиси ишга қабул қилинди. Тошкент молия институти ҳузуридаги малака ошириш марказида эса, 210 нафар Халқ банки ходими малака оширди.

Халқ банки талабаларнинг ўқиб-изланишлари, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари учун узоқ йиллик тажрибасига таянган ҳолда, яхши бир мактаб вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Ана шундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, банк тизимида 2016 йил даво-

мида Тошкент молия институтининг 180 нафардан зиёд талабалари амалиёт ўтадилар.

– Замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, миқдор учун янги хизмат турларини яратиш, амалиётга жорий этиш банкимиз фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланган, – дейди **Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Ахборот технологиялари бошқармаси етакчи мутахассиси Шухрат Зокиров.** – Хусусан, банкимиз ходимлари шаҳар, туман ва қишлоқ жойларида, маҳаллаларда филиаллар, махсус кассалар, жамғарма ва сайёр кассалар ташкил этиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талабларига мос банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк ходимлари ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов терминалларидан қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрнатилган махсус дастур орқали он-лайн тартибда корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказмоқда. Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари учун «SMS-хабарнома» хизмати жорий этилиши ҳам фуқароларимизни қувонтириди. Ушбу интерактив хизмат орқали миқдор мобиль алоқа воситалари ёрдамида исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидида маблағлар қолдиғи тўғрисида маълумот олиши мумкин.

Шу билан бирга, миқдорлар учун банкнинг «Интернет-банкнинг» ва «Мобиль-банкнинг» тизимлари ҳам тақлиф этилмоқда. Бунда миқдор ўз ҳисобварағи бўйича амалиётларини банкка бормасдан, хоҳлаган жойда туриб, исталган вақтда интернет орқали бажариши, яъни ҳисобварағидида маблағларни ўтказиш, уларнинг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этишига доир маълумотларни олиш имконига эга бўлади.

Жасур МИРЗАЕВ.

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил май ойида олий ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиш муддати				
		1 майдан 6 майгача	8 майдан 12 майгача	10 майдан 12 майгача	15 майдан 20 майгача	22 майдан 27 майгача
1	Жиноий фаолият ва терроризмни молиялаштиришдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид миллий ва хорижий қонунчилик талаблари (3 кун кунлик ўқув курси)			ТМИ		
2	Молия ва кредит таҳлили				ТМИ	
3	Банкларда бухгалтерияни юритиш ва аудит					ТМИ
4	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бошқарувчилари учун кенгайтирилган ўқув курси				БМА	
5	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимларининг бош ҳисобчилари учун кенгайтирилган ўқув курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар				БМА	
6	Тижорат банкларида таваккалчиликни бошқариш		БМА			
7	Пластик карточкадан фойдаланиш ҳисобига нақд пулсиз амалиётларнинг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш					БМА
8	Банкни бошқариш тизимида стратегик менежмент					ХМИРМ-ў
9	Тижорат банклари солиқларини тартибга солиш ва мақбуллаштириш			ХМИРМ-ў		

Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тартиби

Давлат солиқ кўмитаси томонидан «Жисмоний шахслар даромадларини декларациялашнинг ҳуқуқий асослари» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 167-моддасига мувофиқ, солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Ушбу даромадлар таркиби Солиқ кодексининг 189-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга мулкий даромадлари, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги, икки ёки ундан кўп манбадан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари декларация асосида солиқ солинадиган даромад турларига кирилади.

Жисмоний шахслар ушбу моддада кўрсатилган даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади. Агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан солиқ унинг аризасига кўра энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса, декларация топширилмайди (республика ҳудудидан ташқаридаги ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар бундан мустасно).

Айтиш жоиз, жорий йилнинг 1 апрелига қадар 455 мингдан зиёд жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда олган даромадлари бўйича солиқ декларациялари тақдим қилинган.

Анжуманда жисмоний шахслар томонидан

жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациядан ташқари мол-мулкни ижарага беришдан олган даромади бўйича дастлабки декларацияларни ҳам тақдим этишлари лозимлиги таъкидланди. Мол-мулкни ижарага бериш орқали даромад олаётган жисмоний шахслар ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой туганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки декларация ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим қилиши зарар.

Жисмоний шахсларнинг уй-жойни, нотураар жойни ва автотранспорт воситасини ижарага беришдан олган даромадларига солиқ солиш ижара шартномасида белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ ушбу мол-мулкларни ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкаларига асосан ҳисобланган миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлари тўғрисидаги декларация асосида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ўтган солиқ даврдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлашлари лозим. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олган жисмоний шахслар даромад солиғини дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар.

Тадбирда декларация асосида ҳисобланган даромад солиғи юқорида қайд этилган муддатларда тўланмаган тақдирда тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня ҳисоблаш, давлат солиқ хизмати органларининг даъво аризалари асосида суд тартибида мажбурий ундирилган масалалари хусусида ҳам тушунтиришлар берилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб

Мамлакатимизга Латвия делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси ҳамкорлигида маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича семинар, шунингдек, икки давлат тадбиркорлари иштирокидаги бизнес-форум ва кооперация биржаси ўтказилди.



Икки давлат ишбилармонлари ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда бизнес юртиш бўйича Латвия компанияларининг тажрибасини тақдим этиш, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб, қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган семинарда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тақдимотлар ҳамда Латвия компаниялари томонидан «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги соҳасида Европа парламенти ва ЕИ Кенгаши қонунчилиги», «Экспорт қилинадиган ва уй маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича сертификатлаш органлари лабораторияларининг роли», «Экспорт қилинадиган маҳсулотларни назорат қилиш», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш ва синашга оид халқаро қоидалар – биологик маҳсулотлар», «Асалақчилик маҳсулотлари», «Логистика ва таъминотлар занжирларини бошқариш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбирда икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум да савдо-саноат палатаси томонидан «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси иштироки таъминланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш тўғрисида фикр алмашдилар.

Латвияликлар, шунингдек, «Қишлоқ хўжалиги» – «AgroWorld Uzbekistan-2017» халқаро кўргазмасининг очилишида иштирок этдилар.

Таъкидлаш лозимки, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларро битимга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида юқори даражали кўпайлиқлар яратиш режими белгиланган.

– Латвияга Ўзбекистондан асосан пахта толаси, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, транспорт хизматлари, мевасабзавот маҳсулотлари, фармацевтика воситалари, минерал ўғитлар, рангори металллар ва улардан ишланган буюмлар экспорт қилинади, – дейди делегация вакилларида бири Едите Страздина. – Импорт номенклатураси эса, тўқимачилик, электр техникаси, машинасозлик тармоқлари учун қурилмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари асосан балиқ консервалари, шунингдек, оптик аппаратура, ёғоч, пластмасса ва қора металлдан ясалган буюмлардан таркиб толган. Уйлаймизки, мазкур учрашув томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар кўламини ҳар жиҳатдан кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда латвиялик инвесторлар иштирокидаги 30 та корхона фаолият юритмоқда, улардан 11 таси 100 фоиз Латвия капиталига эга. Хусусан, ТИАИСВ қошида 16 та Латвия компаниясининг вакиллари аккредитациядан ўтказилган.

Гулшан ЮСУПОВА.

Замонавий корпоратив бошқарув – самарали бизнес гарови

Пойтахтимиздаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида «Замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш – бизнесни самарали ташкил қилиш гарови» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирок этди.

Семинарни кириш сўзи билан очган Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси Д.Ҳидоятов соҳадаги ислохотлар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида мувофиқ тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси» асосида янада такомиллаштирилаётганини таъкидлади. Хужжатга кўра, корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари ва халқаро стандартларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш чоралари кўрилаётгани айтиб ўтилди.

Семинарда парламент қўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Шодмонов, Германия Молия вазирлиги маъсۇл ходими Б.Кауэрс, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази директори Б.Ҳайдаров ва бошқаларнинг тақдимотли чиқишлари тингланди.

– Беш йиллик ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар бўйича эришилган натижалар хусусида тўхталиб, бугунги кунда юртингизда жорий этилган Корпоратив бошқарув кодексини ҳамда ишлаб чиқиш жараёнида бўлган «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонунни қайд этиш ўринлидир, – дейди Бригитти Кауэрс. – Шунингдек, 2016 йилда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ва Европа меъжементи ва технологиялари мактаби билан ҳамкорликда 200 дан зиёд акциядорлик жамияти ва корхона раҳбарлари учун икки босқичли ўқув курслари ташкил этилди. Юзга яқин тингловчи Германиянинг етакчи компанияларида малака оширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси мазмун-моҳияти кенгроқ ўрганилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

НЕОБАНКЛАР: БАНК СЕКТОРИ ҚИЁФАСИНИ ТЕХНОЛОГИК ЎЗГАРТИРИШ

Доимий технологик ўзгаришлар ва инновацион IT-қарорлар асосида банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш натижасида банк тизими, унинг хизматлари ва операцион моделлари янгиланмоқда, яхшиланмоқда ва такомиллашмоқда. Банк тизими қиёфаси амалда тўлиқ ўзгармоқда ва трансформацияланмоқда.

Улар кўпинча ўзаро боғлиқ бўлган тўфайли банк тармоғида учала омилинг биргаликдаги таъсири кучаймоқда. Масалан, жадаллаштирилган ва рақамланган технологик ўзгаришлар мижозларга хизмат кўрсатиш қулайликларини ошириш учун янги имкониятлар яратди, улар эса, ўз навбатида, технологияларни ривожлантиришни инвестициялашга шароит ҳозирлайди ва тақдим этилаётган банк хизматлари доирасини кенгайтиради.

Улар мижозлар ва манфаатдор тарафларда янги эҳтиёжлар ва умидлар юзга келишига, шунингдек, ҳамма нарсани — мижозлар билан муносабатлардан то бизнес моделларгача — ўзгартиришга қодир бўлган технологик юксалишларга олиб келади.

Охириги ўн йилда бутун жаҳон молия-банк тизимида катта ўзгаришлар юз берди, ҳар куни янги молиявий атамалар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, «финтех» (fintech) атамаси бутун дунёдаги молиявий соҳа иштирокчиларининг истеъмолидан ўрин олган энг оммалашган янги ўнта сўзнинг бирига айланди.

«ФИНТЕХ» (FINTECH) АТАМАСИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?

Биринчидан, ушбу банк атамаси аввал-бошдан анча тор маънода бўлиб, банкларда инновация ва ахборотнинг ривожланишини аниқлатган. Бироқ кейинги бир неча йил ичида мазкур тушунча янада кенг маъноли атамга айланди, у ўз ичига деярли барча инновацион молиявий ечимларни олади: мобиль тўловлар ва P2P-кредитлашдан тортиб консултант роботлар ва криптовалюталарга қадар.

P2P-кредитлаш (тамомила турли хил — истеъмо, ипотека ва кўплаб бошқа қарзлар) молиявий сервис бўлиб, унда кредитор бўлиб банк ёки кредит ташкилоты эмас, балки кўп миқдордаги жисмоний шахслар ёки институционал инвесторлар майдонга чиқади. Бунда P2P-кредитлаш сервиси бир томондан кредиторларни, бошқа томондан эса қарз олувчиларни бирлаштирадиган платформа ҳисобланади. Платформа ўз зиммасига кредит таваккалчиликларини олмайд: барча қарзлар кредиторларнинг пул маблағлари ҳисобига берилади. Сервис қарз олувчиларнинг скорингини ўтказди, муддати кечиккан қарзларни йиғиш ва берилган кредитлар бўйича қулай тарзда тўлаш хизматларини кўрсатади.

Банк соҳаси жадал ривожланиши ва талабнинг ўсиб бориши ҳамда инвестицияларнинг салмоқли бўлиши ҳолатида деярли ҳар куни янги атамалар юзга келаяпти. Бундай атамалардан бири — «необанк» (neobank). «Нео» ўзаги грекчадан таржима қилганда «ёш», «янги» маъносини билдиради.

Моҳиятан олганда, необанклар — аслида аънавий банклар бўлиб, фақат техник ва технологик жиҳатдан янгиланган ҳолда модернизацияланган банклардир.

XXI аср воқелигида деярли исталган модернизациялаш рақамлаштириш,

Бугунги кунда жаҳон банк-молия тизими янги технологиялар, мижозларнинг турфа хоҳиш-истаклари ва бошқариш шиддати асосида жадал ривожланмоқда.

Интернетга кириш ва ундан фойдаланишни аниқлашга боис необанклар физик бўлинмалари мавжуд бўлмаган оддий банклардир. Хизмат кўрсатиш учун улар мобиль иловалар ва интернет сайтларидан фойдаланадилар.

Онлайн-банклар ёки директ-банкларни необанклар деб аташ мумкин. Буюк Британияда бундай банклар «challenger banks» (challenger англисчадан таржима қилинганда — «даъвогар» ва «бирор нарсага қарши эътироз билдирувчи, бирор нарса хусусида баҳслашувчи») тоифасига киритилади. Аввал-бошдан бундай банклар одатланган кредит муассасаларидаги хизмат кўрсатиш даражасидан норози бўлган мижозлар сегментини тўлиқ қамраб олишга интилганлар.

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ГЛОБАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР


Ҳолбуки необанклардаги тақдим этиладиган банк хизматлари рўйхати амалда аънавий банк хизматларидан фарқ қилмайди: ҳисоб рақамлар ва уларга доир операциялар, кредитлар, капитални бошқариш, инвестициялар, депозитлар ва ҳоказо. Бироқ кўп необанклар ҳозирданок P2P-кредитлаш, краудфандинг платформалари, молия-

айланиши ва ҳоказоларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобига харажатларнинг камайишини аниқлатади. Шу тўфайли хизмат кўрсатишнинг тезлиги ошади, арзон ва янги тарифлар, шахсан ёндашув пайдо бўлади, мижозлар учун эса бу — олинмаган банк хизматлари қийматини тежаш ҳисобига қулайлик.

Бунда банклар ўз электрон ечимларини яхшилашлари ва қўшимча ҳамда фойдала «фишқалар» билан охиригача бутлашлари мумкин, масалан, юридик шахслар учун бу — бирор-бир ҳужжатлар, ҳисобварақ-фактураларсиз онлайн — расмийлаштириш имконияти бўлиши мумкин. Жисмоний шахслар учун бу — шахсий молияларини бошқариш ёки «оила бухгалтерияси» ёки робот-маслаҳатчига ўхшаш бўлиши мумкин.

Молиявий технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг молия-банк тизимига жорий этилишини ҳисобга олиб, молиявий технологияларга йиллик глобал инвестициялар бир неча бор ўсади. Мисол учун, инвестициялар 2014 йил якунлари бўйича уч баравар кўпайиб, 12,2 млрд. АҚШ долларига етди.

Необанкларнинг ана шу қисқа муддатдаги фаолиятини таҳлил қилиб,



вий робот-маслаҳатчилар ва криптовалюталар сингари янги форматлардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Необанкларнинг аънавий банклардан муҳим фарқи шундаки, необанклар фақат интернет орқали, офисларсиз ишлайдилар, шунингдек, электрон тижорат тақдим этилган барча имкониятларни қамраб олади. Замонавий технологик хизматларнинг бундай турларини тақдим этиш кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий ва технологик ривожланиши, қабул қилинган базаси ва ривожланган ҳамда етук банк соҳасининг мавжудлигига боғлиқдир. Айни шундай шароитларда банкнинг электрон ва IT-хизматлари турли вариантларини илгари суриш ҳамда улар билан тажрибалар қилишга қизиқиш ҳам ошади.

Необанкларнинг вужудга келиш тарихини таҳлил қилиб, улар бундан 10 йил аввал пайдо бўлганлигини таъкидлаш керак. Йирик глобал банклар мазкур формат билан 10 йилдан кўпроқ вақт давомида тажриба қилиб келмоқдалар ва улар томонидан, масалан, «ASB Bank»дан «BankDirect», «BNP Paribas»дан «Hello bank» сингари необанклар барпо этилган.

Алоҳида необанклар ёки уларнинг необанклар сифатида филиалларининг очилиши, албатта, банклар учун, аввало, офислар, қоғоз ҳужжатлар

энди уларнинг фаолияти тўғрисида ижобий хулосалар чиқариш мумкин. Чунинчи, Англия банки биринчи марта «Atom Bank» тўлиқ мобиль банкга лицензия берди. Ярим йил мобайнида BBVA испан банки «Atom Bank»га 45 млн. фунт стерлинг киритди ва 29,5 фоиз улушга эга бўлган энг йирик инвесторига айланди. BBVAдан инвестицияларни ҳисобга олганда 18 ой иш даврида необанк жалб этган маблағларнинг умумий ҳажми 135 млн. фунт стерлингга етди. Яна бир онлайн-банк бўлган «ING Direct» Испаниянинг энг машҳур рақамли банкларидан бири бўлиб, мазкур банк мижозлари ҳисоб рақамларининг умумий баланси 2015 йилда 27,5 млрд. евродан кўпни ташкил этган. Бу эса Испанияда ишлаётган баъзи аънавий чет эл банклариникидан юқори. Бунда Испаниядаги рақамли банклар мижозларнинг миқдори рекорд суръатлар билан ўсяпти. Масалан, «ING Direct» ҳисоб рақамларидаги умумий баланс бир йилда 11 фоиз, «EVO Banco»да 21 фоизга ошган. Маблағларнинг ўсиши бўйича рекордди Испаниядаги «Banco Popular Español» (BPE) банк гуруҳи барпо этган алоҳида интернет-банк bancorpopular-e.com кўрсатди: бир йилда мижозлар ҳисоб рақамидидаги маблағларнинг умумий суммаси 578 фоизга ўсди — 305 млн. евродан 2016 йилда 2 млрд. евродан кўпга етди.

КЕЛАЖАК ВИРТУАЛ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ҚЎЛИДА

Кўп экспертлар необанкларнинг келажаги гоята истиқболли деб ҳисоблашмоқда. Мазкур тармоқ гоята машҳур ва талабдор бўлиб бораётганлиги боис жаҳон молия марказлари — Лондон ва Нью-Йорк глобал финтех марказ унвони учун беллашишга тайёрлар ва стартап ҳамда необанкларни рўйхатдан ўтказиш ва солиқ солиш бўйича қулай шарт-шароитлар билан ўзларига жалб этмоқдалар.

Бугунги кундаёқ банкнинг қайси томон сари ривожланишини кузатиш мумкин? Шубҳасиз, у олинмаган каналлар, интернетдан фойдаланиш томонига ривожланади. Албатта, бунда смартфонлар, планшетлар ва бошқа мобиль курилмалар орқали хизматлардан фойдаланилади. Барча оммавий ва стандартлашган банк маҳсулотлари фойдаланувчиларнинг мобиль телефонларидан жой олади. Бу — сотиш шохобчаларида NFC технологиялари ёрдамида сотишлар ҳамдир. Эслатиб ўтамиз, «Near Field Communication» — қарийб 10 см. масофадан курилмалар ўртасида маълумотлар алмашиш технологияси. Бу — мижознинг барча ҳисоб рақамлари ва сервисларига мобиль тақлифлар орқали кириш, бу — энг яқин бўлинмалар ва банккоматларни телефондан геолокациялаш ҳамда мунтазам тўловларни автоматлаштириш ҳамдир. Шубҳасиз, банкнинг ўзаги юқори ахборот технологиялари бўлади.

Айни вақтда аънавий банкларнинг талабдорлигини инкор этиб бўлмайди, чунки яқин 10-15 йил ичида турган бўлинмаларда иш етарлича бўлади. Бироқ уларга бўлган талаб аста-секин сусаяди: бўлинмаларга келадиган кишиларнинг сони камайд. Банкка келадиган мижозларнинг эҳтиёжлари ўзгаради.

Ўзбекистон банклари ҳам ҳозир IT-технологиялар асосида банк маҳсулотларини тўлиқ яратмоқдалар. Ҳозирданок мамлакатимиз банк тизимига виртуал банк хизматларини тақдим этиш ёки необанклар очиб имконини берадиган технологиялар тизимини аста-секин жорий этиш лозим. Ҳақиқатан ҳам, аста-секин ўтиш муқаррар, бироқ бунинг учун вақт ва катта инвестициялар ва, албатта, кўплаб креатив янги гоялар керак. Инновацион технологиялардан фойдаланиш муваффақиятли банк бизнесининг ажралмас қисмидир: таҳлилчилар иқтисодий кўрсаткичларнинг IT-қарорлардан муваффақиятли фойдаланиш ва уларнинг банклар бизнес жараёнларига интеграцияланувига борган сари кўпроқ боғлиқ бўлиб бораётганлигини қайд этадилар.

Ҳозирги вақтда тўлиқ виртуал банкларни очиб унчалик мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки жамиятимиз тўлалигига молиявий хизматлар олишининг бундай даражасига ўтишга ҳали тайёр эмас. Бироқ виртуал филиаллар очиб ёки банк хизматларининг қайсибир турларини виртуал даражага чиқариш мамлакатимиз банк соҳаси учун долзарб масала бўлар эди.

Келажакда қарийб барча йирик интернет-компаниялар ўз тақлифларини кенгайтириш ва мезърий талабларга риоя этиш учун муваффақиятли рақамли банк қарорларига боғлиқ бўлади. Шу боис бугунги кундаёқ банклар интернет-компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши ва ўз бизнес йўналишларини улар билан биргаликда ривожлантириши керак.

Дилафрўз МУХТОРОВА.



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Ҳужжат билан Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Ушбу ваколатли давлат органи ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ҳисобланади.

Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов раҳбарлик қиладиган Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибига кириди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва халқро ҳамда хорижий молия институтларидаги доимий вакиллари энди Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раисининг буйруғига асосан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, уларнинг лавозимлари кўмитанинг номенклатурасига кириди. Савдо-иқтисодий масалалар бўйича

Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан давлат кўмитаси шуғулланади

Президентимизнинг 2017 йил 31 мартда «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

маслаҳатчилар ўз фаолияти юзасидан янги кўмитага ҳисобот беради.

Бундан ташқари, дипломатик ваколатхоналар Инвестициялар бўйича давлат кўмитасига иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда илғор технологияларни, устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, ҳисоботларни, шунингдек, давлатимизнинг хорижий мамлакатлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир тақлифларни ҳар чоракда мунтазам тақдим этиб боришлари керак.

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб

Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси зиммасига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар етказиб бериш, шунингдек, битта шартнома бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидадан ортиқ ҳажмдаги ишлар (хизматлар)нинг бажарилиши юзасидан тендер (танлов) савдолари натижаларини мувофиқлаштириш, экспертизадан ўтказиш, келишиш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда юклатилади:

- ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштириладиган;

- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштириладиган;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиздан зиёд бўлган ҳужалик субъектлари томонидан хорижий инвестициялар (кредитлар) ҳисобидан тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар бўйича харид қилинадиган лойиҳалар.

Бундан ташқари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекэкспертиза» АЖ вазифаларининг бир қисми Инвестициялар бўйича давлат кўмитасига ўтказилади, улар:

- чет эл компания ва ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказиш;

- битта шартнома бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидадан зиёд бўлган инвестиция лойиҳалари, жумладан, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тендер натижалари бўйича тузилган импорт шартномаларини буюртмачи банк кафолатини олганини тасдиқлаганидан кейин амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказиш.

Иқтисодиёт вазирлиги жойларда фаолиятни фаоллаштиради

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги ПК-2840-сонли қарори билан Иқтисодиёт вазирлиги тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармалари, шунингдек, туман ҳамда шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ташкил қилинди.

Эслатиб ўтамоқчи, 2016 йил 22 февралдан йўлга бошқармалар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тузилмаси таркибига эди.

Лавозимга тайинлаш ва ундан озод этишнинг қуйидаги тартиби тасдиқланди:

- Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири – иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда Жўрғори Кенгес томонидан;

- вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармалари бошлиқлари – тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда иқтисодиёт вазири томонидан;

- туман ҳамда шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари – иқтисодиёт

вазири билан келишилган ҳолда, шунингдек, тегишли туман ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаларининг бошлиқлари томонидан.

Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппаратининг Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасига кўшимча 12 та штат бирлиги ажратилиб, ушбу бош бошқарма иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосарига бўйсундирилди.

Қарор билан кўрсатиб ўтилган бўлимларнинг асосий вазифалари, шунингдек, уларнинг тузилмалари, ходимларининг чекланган сони ҳамда меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқланди.

Муҳтож фахрийларга турар жой берилади

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофоти миқдори белгиланди, шунингдек, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тadbирларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш дастури тасдиқланди.

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони билан 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 2 миллион сўм миқдорига бир марталик пул мукофоти белгиланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тadbирларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш дастури маъқулланди.

Ишчи гуруҳга қуйидагилар топширилди:

- дастурда назарда тутилган тadbирларни «Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик» ҳамда «Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият» шiorлари остида юқори савияда ўтказишни ташкил этиш;

- Дастур тadbирларининг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларга чиқиб, тadbирларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш;

- Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг оила аъзоларига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва ҳарбий қисмлар вакилларини бириктириш ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва кўнглини кўтариш мақсадида

уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этиш;

- ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари турар жойи ва уй ҳужалиқларини таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганларига турар жой ажратиш бўйича тегишли чора-тadbирларни амалга ошириш;

- Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кўрсатган манотани, мардлик ва жасорати аҳамиятини кенг аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тadbирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

- 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президент номидан бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топшириш.

Шу билан бирга, вилоят, шаҳар ва туманларда комплекс чора-тadbирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, уруш йиллари кўшиқ ва мусиқалари, дастурхон тузаш ва тегишли шaroитлар яратиш билан боғлиқ тadbирлар ташкил этилади. Кўча ва майдонлар Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакат ва стендлар билан безалади.

Тизимда тезкорлик аҳамияти

Бугунги кунда суғурта соҳасида мазкур бозорнинг профессионал иштирокчилари ўртасида рақобат кучайган бир пайтда мижозлар базасини шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири – даъволарни ўз вақтида кўриб чиқиб, тезкор хизмат кўрсатишдан иборатдир.

– Бу бир қарашда оддий сифадек туюлади, – дейди «Ўзбекивест» ЭИМСКнинг Суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти бош менежери Денис Коротченко. – Лекин уни турли характер-хусусиятларга эга кишилардан иборат катта жамоада ташкил қилиш ўзига хос стратегияни талаб қилади. Бугун компаниямиз филиаллари ва куйи шохобчалари сифатли ва замонавий хизматга шай йўсинда жиҳозланган. Тезкорликни таъминлаш борасида эса, бевосита аҳолига хизмат кўрсатувчи ходимларимиз фаолияти доимо раҳбарият диққат марказида бўлиб, ларнинг касб маҳорати ва малакаси босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

мулклар орасида автомашина муҳим ўрин тутати. – дейди Зухриддин Исроилов. – Уни доим асрашга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда 2015 йилнинг декабрь ойида дўстимнинг тавсияси билан «Ўзбекивест» компаниясидан автотранспорт воситасини биринчи қалтисликкача суғурталаш полисини сотиб олган эдим. 2016 йилнинг баҳорида кучли шамол бўлиб, дарахтнинг қулаб тушиши оқибатида машинамга шикаст етди. Ушбу суғурта хизмати бўйича шартномада автомобилнинг қисмларига ИТХ, табиий офатлар, ёнгин, портлаш, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида зарарланишдан суғуртавий ҳимоялаш каби

сўм ҳажмида суғурта бадаллари тўлаб берилди. Шундан 10,6 млрд. сўми юридик шахслар, 4,4 млрд. сўми жисмоний шахслар улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич ҳар ойда ўртача 688 та суғурта даъвоси кўриб чиқилганини ифодалади, улар асосан ипотека суғуртаси, автосуғурта, хавфли ишлаб чиқариш объектлари суғуртаси, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, ихтиёрий тиббий суғурта каби йўналишларни ўз ичига олади. Амалга оширилган ушбу суғурта қопламаларининг 55 фоизи ёки 8,3 млрд. сўми мажбурий, 45 фоизи ёки 6,7 млрд. сўми ихтиёрий суғурта турларига тўғри келади.



– Ҳаёт тасодифларга тўла, хавф ва бахтсиз ҳолисалардан буткул холи бўлиш кишининг ўзигагина боғлиқ эмас, – дейди Мавжуда Саманова. – Касбим ўқитувчи. Мактабимизга ўқувчиларни бахтсиз ҳолисалардан суғурталаш бўйича суғурта компанияларидан вакиллар келиб учрашув ўтказди. Шунда хизмат афзалликлари менинги ҳам эътиборимни тортди. Бугун ушбу турдаги суғурта бўйича «Ўзбекивест» компаниясининг полисига эгаман.

Таъкидланганидек, суғурта тизимида тезкорлик мезони асосида ишни ташкил этиш билан бирга, уни намунали тарзда ниҳоясига етказиш ҳам кўзга ташланади. Компанияларнинг мақсадга эришуви суғурта даъволарини ўз вақтида кўриб чиқиши, тўлаши билан боғлиқдир. Яъни суғурта товлангани қисқа муддатда тўлаш қайси муассасада устуворлик касб этса, у нафақат ўз мижозлари қўнимлигини сақлашга эришади, балки бундай хатти-ҳаракатлари билан янги суғурталанувчилар оқими ҳам йўл очади.

– Биздек техникага ишқибоз эркаклар учун шахсий

бир нечта эҳтимолӣ ҳолатлар кўзда тутилган бўлиб, менга учувчи воситаларнинг қулаши туфайли кўрилган зарарни қоплаш бўйича суғурта товлани тўлаб берилди. Бошга ташвиш тушганда бундай суғурта пули нафақат эҳтиёжингизни, балки руҳингизни ҳам кўтарар экан.

Айтиш жоиз, «Ўзбекивест» ЭИМСК ташкил этилганидан буён суғурта бозорида ўз ўрнини топиш, аҳоли ва мижозлар ишончини қозониш мақсадида изчил изланишлар олиб борди. Пировардида, бугунги кунга келиб, компаниянинг бозор мавқеи мустаҳкамланди, молиявий кўрсаткичлар бўйича эса, кучли бешлик қаторидан ўрин эгаллади.

Биргина суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва суғурта товланини тўлаш юзасидан «Ўзбекивест» компанияси фаолиятида 2016 йилда (15 млрд. сўм суғурта бадаллари тўланган) ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўп миқдорда бадал тўланганини қайд этиш лозим. Мазкур йил давомида муассаса томонидан жами 8 257 та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, 15 млрд.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ҳам компания суғурта шартномалари бўйича мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариб, келиб тушган аризалар асосида 3,8 млрд. сўмлик суғурта товланини тўлаб берди.

Ҳозирги кунда «Ўзбекивест» ЭИМСК тизимида аҳоли билан ишлаш самардорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган «Ишонч телефони» ҳамда диспетчерлик хизматларининг туну кун намунали ишлаши йўлга қўйилган. Шунингдек, компаниянинг Марказий аппарати ва ҳудудий филиалларида аҳолига суғурта шартномалари тузиш, суғурта ҳолисаслари бўйича зарур ҳужжатларни жамлаш, суғурта полиси бўйича бадални қўлга киритишга бўлган жараёнларда яқиндан ёрдам берувчи ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган.

Бундай тартибли тизим, қўлайликларнинг жорий қилиниши, ўз навбатида, «Ўзбекивест» ЭИМСКнинг мижозлар ишончини қозонишига ва барқарорлигини сақлаб қолишига хизмат қилмоқда.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Янги ҳаёт суғуртаси

Ўзбекистон суғурта бозори иштирокчилари яна биттага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Агрос ҳаёт» суғурта компанияси (МЧЖ)га ўз фаолиятини бошлаши учун лицензия берилди.

Мамлакатимизда суғурта соҳасида ушбу бозор имкониятларини кенгайтириш жараёни жадал тус олмоқда. Айниқса, бугунги кунда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш чора-ва уни кенг аҳоли ўртасида оммалаштириш омиллари яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган қўлайликлар самарасида аҳоли даромадларининг ошаётгани, шунга монанд тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга иштиёқи ортаётгани, ҳуқуқий ҳамда молиявий саводхонлиги ўсаётгани фикримизга далил бўла олади.

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти негизда ташкил этилган «Агрос ҳаёт» суғурта компанияси ҳам мана шундай илҳомий бозор ўзгаришларига хос равишда катта мақсадлар билан ўз фаолиятини бош-

лаб, миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртасини ривожлантириш, жамғариб бориладиган суғурта турлари ҳамда узоқ йиллик ҳаёт суғуртасини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда компания фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар тўла шакллантирилган. Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар филиалларини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ниҳояланиш арафасида.

Компания ўз фаолияти давомида бахтсиз ҳолисалардан суғурталаш, ихтиёрий тиббий суғурта, юқумли касалликлардан суғурталаш, сайёҳларнинг тиббий харажатлари суғуртаси, бонус тўловли ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, спортчиларни бахтсиз ҳолисалардан суғурта қилиш каби жисмоний шахсларга мўлжалланган қатор суғурта маҳсулотлари билан кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатади.

Назира МАВЛОНОВА.

Қонун моҳияти тарғиботи

«Alskom» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш мақсадида Фарғона вилоятида семинар ўтказди.

Вилоят ҳокимлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, йўловчи ташиш билан шуғулланадиган корхоналар вакиллари ҳамда фуқаролардан иборат 130 дан зиёд вакил иштирокидаги ушбу тадбирда сўзга чиққанлар «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, республика ҳудудида барча турдаги транспорт воситасида ташиш чоғида йўловчиларга етказилган зарар қопланиши кафолатланишини таъкидладилар.

– Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ушбу турида ҳар бир ташувчи йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш бошланғичига қадар қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартиб билан амалга ошириши зарур, – дейди «Alskom» суғурта компанияси бош директори ўринбосари М.Алимжонов. – Унинг асосий шarti асосан суғурталовчи суғурта ҳолисаси содир бўлганда жабрланувчи, наф олувчи ёки ташувчига йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта шарномаси асосида суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олиши ҳисобланади.

Семинарда вилоятда суғуртанинг ушбу турини амалиётга жорий қилишда эришилган натижалар таҳлил этилиб, ушбу суғурта хизматини янада кенг қўламда қўллашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.


Тадбир якунида анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб олдилар.

Наргиз АҲМЕДОВА.


ЎзРТХБда сотувга қўйилган товарларнинг haftalik ўртача мақбул нархи

	30.01-03.02. 2017 йил	06.02-10.02. 2017 йил	13.02-17.02. 2017 йил	20.02-24.02 2017 йил	27.02-03.03. 2017 йил	06.03-10.03. 2017 йил	13.03-17.03. 2017 йил	18.03-24.03. 2017 йил	27.03-31.03. 2017 йил
Пахта ёғи, сўм/тн	3 335 345	3 335 205	3 351 962	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436	3 689 436
Бугдой уни олий нав, сўм/тн	1 252 673	1 276 700	1 272 552	1 267 019	1 291 285	1 277 040	1 283 835	1 260 407	1 273 802
Бугдой уни биринчи нав, сўм/тн	884 599	888 285	890 207	886 012	892 026	887 501	888 949	886 196	879 499
Бугдой (ем учун), 4-класс	746 427	734 528	736 946	741 321	737 990	739 440	731 057	744 648	735 256
Бугдой (ем учун), 5-класс	687 491	681 206	685 274	691 488	691 315	692 165	695 111	689 527	684 354
Шакар, сўм/тн	3 857 072	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070
Бензин АИ-80, сўм/тн	3 819 327	3 873 427	3 913 827	3 820 821	3 819 408	3 798 630	3 802 956	3 881 140	3 832 542
Бензин АИ-91, сўм/тн	5 500 338	4 034 101	4 047 813	4 188 087	4 188 087	5 619 077	4 125 224	4 125 224	4 901 702
Дизель ёнилгиси, сўм/тн	3 930 532	4 161 022	4 626 325	4 249 766	4 269 749	4 133 943	4 145 112	4 121 330	4 372 870
Суюлтирилган газ, сўм/тн	2 091 110	2 168 088	2 360 372	2 342 115	2 149 573	1 950 568	1 940 943	1 952 620	1 690 604
Писта ёғи шроти, сўм/тн	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999	600 999
Пахта чигити шроти, сўм/тн	998 128	993 363	1 000 177	993 808	996 015	995 594	1 000 267	995 428	994 430
Пахта чигити шелухаси, сўм/тн	490 935	496 383	495 242	493 470	490 829	493 892	493 091	493 076	493 641
Азот-фосфорли ўғит (қолда), сўм/тн	968 941	968 941	968 940	968 940	968 940	968 940	968 940	968 940	968 940
Аммофос 44:10 (уюм ҳолатида), сўм/тн	1 400 777	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919	1 535 919
Кальцийланган сода (қолда), сўм/тн	963 676	965 335	964 051	963 690	963 982	963 560	964 054	964 030	964 878
Аммоний сульфат (уюм ҳолатида), сўм/тн	404 779	406 592	394 967	405 833	402 094	405 609	406 028	395 685	398 544
Арматура (СТ25-35ДС), сўм/тн	5 536 572	5 536 572	5 851 962	5 851 962	6 010 140	6 010 140	5 348 633	5 348 633	5 250 999
Курилиш битуми, сўм/тн	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	3 026 801	2 383 071
Мис катанкаси, сўм/тн	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424	36 680 424
Полиэтилен (F-0120), сўм/тн	9 605 584	11 342 245	11 342 245	11 342 245	14 327 659	13 367 792	13 367 792	13 195 259	13 195 259
Кўмир (2 БОМСШ 0-50), сўм/тн	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003	161 003
Цемент (М-400 Д-20), сўм/тн	455 127	403 945	398 192	476 418	478 558	476 792	477 239	421 603	410 915
Шифер (8 тўлқинли), сўм/лист бирлигида	28 159	27 671	27 731	27 447	28 039	28 421	28 177	28 121	28 595

ЎзРТХБда сотувга қўйилган бензин, дизель ёнилгиси ва суюлтирилган газнинг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бугдой унининг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган шрот ва шелуханин haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бугдойнинг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган курилиш битумининг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган полиэтиленнинг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган цементнинг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган пахта ёғининг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган арматуранинг haftalik ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган кимёвий маҳсулотларнинг haftalik ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган шифернинг haftalik ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган кўмирнинг haftalik ўртача мақбул нархи





Грецияга навбатдаги ёрдам — муҳокама мавзуси

Еврохудуд мамлакатларининг молия вазирлари, кредиторлар ҳамда Греция ҳукумати ўртасида асосий иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги келишувга имзо чекиди. Мазкур ҳужжат Грецияга иккинчи молиявий ёрдамга оид ҳисоботни тасдиқлаш ва навбатдаги траншни жўнатиш лойиҳасини назарда тутди.



Томонлар Афинага ЕИ томонидан учинчи бор кўрсатиладиган моддий ёрдамни ўзида акс эттирувчи ислохотлар даврийлиги, муддати ва ҳажмини белгилаб олди.

Еврогуруҳ йиғилиши натижасига кўра, Афинада кенг қўламли шарҳни тасдиқлашга хизмат қилиш мақсадида олиб борилаётган техник ишларни давом эттиришга оид қарор қабул қилинди.

Шунингдек, молия вазирлари Кипрдаги дастуролди лойиҳаларни муҳокама қилишди. Кузатувлар натижасига мувофиқ, Кипр ҳукумати аввалгидек мақбул иқтисодий сиёсатни юритишда давом этмоқда.

Жаҳон миқёсидаги электрон тижорат ривожини

Сўнгги 12 ой давомида Буюк Британиянинг тахминан 87 фоиз истеъмолчилари онлайн харидларни амалга оширган. Бу борада Европа бўйича энг катта кўрсаткич эса Норвегияга тегишли.



Жаҳон миқёсида энг кўп онлайн истеъмолчилар Хитой ва АҚШда истиқомат қилади. АҚШ Миллий статистик хизмати берган маълумотларга кўра, 2016 йилда мамлакатда онлайн савдо ҳажми 21,3 фоиз ортди. 2017 йилда америкалик истеъмолчилар мобиль қурилмалар ёрдамида нисбатан кўп онлайн харидларни амалга ошириши башорат қилинмоқда.

Интернет орқали харид қилинаётган масхулотлар қаторида электроника ва рақамли медиамаҳсулотлар, жумладан, видео ўйинлар, музика, электрон китоб, компьютер ва телефонлар етакчи ўринни эгалламоқда. Шунингдек, кийим-кечак ва оёқ кийимларга бўлган талаб ҳам оз эмас. Уларнинг электрон тижоратдаги улуши учдан бир қисми ташкил этади. 11 фоиз истеъмолчилар домий асосда озиқ-овқат маҳсулотларини интернет орқали харид қилади.

Интернет орқали харид ёки буюртма қилинадиган маҳсулотлар ёки хизматлар қаторида транспорт

ва саёхат, саломатлик ва гўзаллик, автомобиль ва велосипед ҳамда ўқув қуроллари сингари маҳсулотларга ҳам талаб кучли.

Маҳсулотни харид қилишга оид қарорга асосан бошқа истеъмолчиларнинг изоҳлари, ижобий фикрларидан сўнг келинмоқда. Хусусан, 68 фоиз аёл хариддорлар онлайн харидларни амалга ошириш жараёнида бошқа хариддорларнинг фикрига таянади.

Мазкур тармоқ мутахассисларининг фикрига кўра, 2017 йилда мобиль тижорат жадал суръатларда ривожланади. Боси 2016 йилда илк марта интернет орқали қилинган харидларнинг ярмидан ортиги айнан мобиль қурилмалар орқали амалга оширилган.

Башоратларга кўра, 2018 йилга бориб ритейлдаги жами савдоларнинг 18 фоизи онлайн шаклда ўтказилса, 2040 йилга бориб ушбу кўрсаткич 95 фоизга етади.

ФЗТ активлар балансини қисқартириш ниятида

АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) 2017 йилда рекорд даражага етувчи 4,5 трлн. долларга тенг активлар балансини қисқартиришни бошлайди. Бу ҳақида март ойида ФЗТнинг очик бозорлар бўйича Қўмита йиғилишида баёнот берилди.

ФЗТ вакиллари «жорий йил якунида» балансини қисқартиришни режалаштирмоқда.

«Аксарият иштирокчиларнинг фикрига кўра, истиқболда иқтисодиёт ривожланган тақдирда асосий фоиз ставкалари ошишда давом этиши мумкин. Йиғилиш иштирокчилари ҳам жорий йил якунида қўмита томонидан қайта инвестиция қилиш сиёсати ўзгартирилишига оид қарор қабул қилинишига умид боғламоқда», — дейилди баёнотда.

Балансини қисқартириш бозорга таъсир кўрсатувчи рекорд ҳажмлар туфайли ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Янгиланган 50 евро номиналли купюра

ЕМБ жорий йилнинг 4 апрелида «Европа» сериясига оид 50 евролик номиналнинг янги банкноти расман муомалага киритилганини эълон қилди.

50 евролик купюра — энг кўп қўлланиладиган евро банкноти ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур номиналли 9 млрд.дан ортиқ купюралар муомалага киритилган. Бу эса жами банкнотларнинг 46 фоизи демакдир. ЕМБ берган маълумотларга кўра, 2016 йил иккинчи ярмида тайёрланган қалбаки пулларнинг 42,5 фоизи 50 евролик номиналга тенг банкнотларни ташкил қилган.

50 евролик номиналга тенг аввалги банкнотлар қонуний тўлов воситаси сифатида қолади ва янгиси билан биргаликда қўлланилади, сўнг босқичма-босқич тарзда муомаладан чиқарилади.

«Ҳатто рақамли асрда ҳам нақд пуллар аввалгидек иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга», — деди ЕМБ раҳбари Марио Драги.

Драгининг айтишича, ЕМБ маълумотларига мувофиқ савдо нуқталаридаги тўловларнинг тўртдан уч қисми нақд пуллар ёрдамида амалга оширилмоқда. Транзакциялар ҳажмига кўра эса ярмидан ортиги шу шаклда ўтказилган.

100 ва 200 евролик номиналли банкнотларнинг янгиси 2019 йил аввалида ишлаб чиқилади.

2013 йил май ойидан буён ЕМБ «Европа» серияли янгиланган банкнотларни ишлаб чиқармоқда. Мазкур купюраларнинг қалбакисини ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик мақсадида қадимий юнон афсоналаридаги фаришта кўринишидаги химоя қатламли белги мавжуд. Бундай сувли белгилар 5 евродан тортиб 200 еврогача бўлган номиналли банкнотларда ўрнатилган. 500 евролик купюраларда бундай белги мавжуд эмас. ЕМБ 2018 йилдан бошлаб 500 евролик банкнот ишлаб чиқарилишини тўхтатиш ниятида.

ЕМБ маълумотларига кўра, евродан еврохудуднинг 19 та мамлакатидеги 338 млн. нафарга яқин инсонлар фойдаланмоқда. Евробанкнотларнинг умумий номинали 1 трлн. еврони ташкил этмоқда. Юқорида таъкидланганидек, 2013 йилдан буён ташкилот «Европа» серияли евро банкнотларнинг янгиланган шаклини амалиётга киритди: 2013 йил 2 майда 5 евролик янги купюра, 2014 йил 23 сентябрда 10 евролик, 2015 йил 25 ноябрда 20 евролик номиналли купюралар амалиётга татбиқ этилди.

«Яшил» электр энергиясининг улуши ошди

Қуёш, шамол ва биомасса энергияси нархи тезкор суръатларда паясий бормоқда, уларнинг дунё миқёсидаги улуши эса худди шундай суръатларда ўсмоқда, деб ёзади knp.uz. Ўтган йили дунёдаги энергия қувватининг асосий қисми айнан қайта тикланувчи энергетика улушига тўғри келди.

2016 йилда қайта тикланувчи энергия ҳисобига электр станциялари қурилишига кетадиган харажатлар бутун дунё бўйлаб 23 фоизга (241,6 млрд. долларгача) пасайди. Киритилган қувват эса, 2015 йилга нисбатан 8 фоизга ўсган. Олинаётган «яшил» электр энергияси улуши эса биринчи марта умумжаҳон миқёсидаги ишлаб чиқаришнинг тўққиздан бир даражасидан ошиб, бир йилда 10,3 фоиздан 11,3 фоизга ўсди. Бундай муҳим даврий воқеа ҳақида БМТда хабар берилди.

Ўтган йили сайёрада 138,5 гигаваат қувватли қайта тикланувчи энергетика йўлга қўйилган эди. Бу жорий йилда киритилган барча қувватларнинг 55 фоизини ташкил қилди. Иссиқлик, атом электр станциялари ва йирик ГЭСлар биргаликда бор-йўғи 45 фоизни берди. Натижада қайта тикланувчи энергия улуши атиги бир йилда умумжаҳон истеъмолида 10,3 фоиздан 11,3 фоизга ўсди. Бундан кейин ҳам ўсиш суръатлари шундай бўлиши кутилмоқда.

Банклардан янгиликлар

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АТБ

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан йўл ҳаракати бўйича белгиланган жарима тўловларини «QQB Mobile» иловаси орқали тўлаш имконияти яратилди.

Аввал хабар берганимиздек, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилишга мўлжалланган «Android» ва «iOS» платформаси асосида ишловчи мобил қурилмалар учун замонавий дастур – «QQB Mobile» иловаси ишга туширилган эди. Бугунги кунда ушбу дастур ёрдамида мижозлар ўзларининг мобил қурилмалари орқали турли тўловларни амалга ошириб келмоқда.

Дастур фойдаланувчилари яна бир имкониятга эга бўлди. Улар йўл ҳаракати бўйича жарима тўловларини ҳам «QQB Mobile» иловаси орқали амалга оширади.

Бунда жисмоний шахслар мазкур масофавий хизматдан фойдаланиш учун «QQB Mobile» иловасини «Android» тизимида ишловчи уяли алоқа телефонлари орқали «PlayMarket»дан юклаб олиши лозимдир.

«АГРОБАНК» АТБ

«Agrobankmobile» хизмати орқали картадан картага ўтказмалар (P2P) учун олинган ҳақ камайтирилгани маълум қилинмоқда.

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб «Agrobankmobile» хизмати орқали жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан бошқа пластик картага пул ўтказишдаги воситачилик ҳақи 50 фоизга камайтирилди.

Таъкидлаш жоиз, кейинги пайтларда мазкур банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, пластик карталар асосидаги интерактив хизматларни ривожлантириш борасида кенг қўлмалли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

«ИПАК ЙЎЛИ» АТИБ

«BankExpo-2017» – банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмасида «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки томонидан ташриф буюрувчилар эътиборига «Янги технологиялар – янги имкониятлар» мавзuida тақдимот ҳавола этилди.

Унда банк тизимида инновацион технологиялар, молиявий чакана бизнесда интерактив банк хизматларининг роли, Ўзбекистонда масофадан банк хизматларини кўрсатишни ривожлантириш, шунингдек, банк томонидан муваффақиятли амалга оширилган ва тақдим этилаётган хизматлар рўйхати киритилган янги маҳсулотлар хусусида чиқишлар қилинди.

«КАПИТАЛБАНК» АТБ

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки юридик шахс мақомидаги мижозлари учун «Mail Service» хизматини жорий этди.

Эндиликда муассасанинг бундай мижозлари банкка ташриф буюрмаган ҳолда ўзлари учун қулай муддатларда (кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик кўринишда) электрон шаклда ҳисоб рақамдан кўчирма олиш имкониятига эга бўлади. Ушбу хизмат тури ҳеч қандай тўловларсиз амалга оширилади.

«Mail Service»га улашиш учун корпоратив мижоздан фақатгина ўзига хизмат кўрсатувчи банк филиалига келиши ёки аризани расмийлаштирган ҳолда расмий вакили орқали тақдим этиши талаб этилади.

Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

Тўқимачилик ва энгил саноат тараққиёти

Энгил саноат кенг миқёсда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариладиган, катта миқдорда иш ўринлари яратиладиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўтариб, иқтисодий тизимнинг ўсиши ва пировардида аҳоли фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшувчи тармоқлардан бирidir.



Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз энгил саноатининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилди. Хужжатга кўра, 2020 йилгача умумий қиймати 2 млрд. 200 млн. АҚШ долларига тенг 132 инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, уларнинг қарийб 50 фоизи тижорат банклари ҳамда хорижий молиявий муассасалар томонидан жалб қилинадиган кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилади. Қарор асосида ишлаб чиқилган дастурда тармоқнинг йиллик экспорт салоҳияти 2 млрд. 500 млн. долларга етказилиши, қўшимча 25 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзбек-енгилсаноат» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан 2016 йилда хориж бозорига 1 млрд. 146 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ушбу корхоналарнинг халқаро бизнес-форумлар, кўргазмаларда иштирокини таъминлаш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда тармоқнинг 200 дан ортқ корхонаси 21 кўргазмада иштирок этди. 1 млрд. долларликдан ортқ шартнома имзоланди. Бу борадаги ишлар жорий йилда давом эттирилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 26 халқаро кўргазмада қатнашиши режалаштирилган.

Болгария, Туркия, Украина ва Беларусда ўтказилган шундай тадбирлар натижасида тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш

бўйича қиймати 50 млн. доллардан зиёд экспорт шартномалари имзоланди. Ҳозир МДХ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Туркия ва Эрон билан умумий қиймати 350 млн. долларлик қўшимча экспорт битимларини имзолаш устида иш олиб борилмоқда.

«Ўзбек-енгилсаноат» АЖ хузуридаги тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинг агентлиги сайтларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, нархлар тўғрисидаги маълумотлар, маркетинг таҳлиллари, тармоқдаги янгиликлар ҳақидаги ахборот мунтазам эълон қилиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, хорижлик ҳамкорлар билан олди-берди амалиётларини интернет тармоғи имкониятлари асосида фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Мева ва сабзавотлар умрни узайтиради

Лондоннинг Империя коллежи тадқиқотчилари кун давомида 800 граммгача мева ва сабзавот тановул қилиш умрни узайтиради, дея таъкидлашмоқда.

Олимлар 22 млн. киши рационини текшириш орқали шундай қарорга келишди, деб ёзилади soglom.uz сайтида.

Уларнинг фикрича, кун давомида 80 граммдан 10 ҳисса мева ва сабза-



вот истеъмол қилиш йил давомида ўлим хавфи қисқаришига сабаб бўлади. 200 грамм мева-сабзавотларни кун давомида ейиш

эрта ўлим хавфини 15 фоизга, юрак-қон томир тизими хасталиklarини 13 фоизга, саратон касаллигини 4 фоизга камайтиради.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Навр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ихозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кун чикади.

Буюртма № 913.

Адади 7669 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 12.04.2017 й., 9.00.